



Тошкент шаҳрида 2016 йил 8 апрель кунини Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ташкил этилган мажлисда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисида ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш якунлари ва ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижроси муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган ШХТ МАТТ Кенгашининг мазкур халқаро тузилманинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги талабларга жавоб бериши таъкидланди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан терроризм, сепаратизм ва экстремизм мақсалларида фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Хитой Халқ Республикасида ўтказилган «Сяминь — 2015» биргаликдаги ўқув машқлари якунларига юқори баҳо берилди.

Мажлис иштирокчилари ҳозирги кундаги таҳдид ва хавф-хатарлар, жумладан, халқаро террористик ташкилотлар томонидан бўлаётган хуружларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан келишиб олди. Шунингдек, аҳоли ўртасида диний-экстремистик ғояларга қарши иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган ишларни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

2016 йилнинг IV чорагида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатлар делегациялари иштирокида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган тўртинчи илмий-амалий конференцияни ўтказишга келишилди.


2014 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти билан расмий алоқалар ўрнатган эди. Мажлисида терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида шериклини йўлга қўйиш мақсадида ШХТ МАТТ ва ушбу ташкилот ўртасида ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатлар лойиҳалари маъқулланди.

ШХТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари рағбатлантирилди.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан, молиявий таъминлаш, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ШХТ МАТТ Кенгаши мажлиси ишчанлик ва амалий руҳда ўтди.

БУГУН СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Ҳамид НОҲОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

АМИР ТЕМУР — БУЮК БУНЁДКОР

3

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ТАШАББУСИ БИЛАН

Халқимиз ҳамиша ўз аждодлари билан фахрланиб, уларнинг тарих олдидаги буюк хизматлари учун бошини баланд кўтариб яшайди. Айниқса, улғу саркарда, буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур шахсияти, умр йўли мана неча асрларки халқимизнинг гурури ва фахрига, ифтихориға айланаб келмоқда.

КУЧ-ҚУДРАТ ВА АДОЛАТ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Темурийлар тарихи Давлат музейида «Амир Темур ғоялари ва ёшлар маънавияти» мавзусида ўтказилган тадбирда партиянинг ёш аъзолари шу ҳақда тўлқинланиб гапиришди.

— Амир Темурнинг мамлакатни бошқариш санъати, бунёдкорлик ва илм-фан, маданият ҳомийси сифатида амалга оширган эзгу ишлари унинг номини мангуга муҳрлади, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш сектори бош референти Суннатullo Бозорбоев**. — Юртимиз истиқлолга эришган, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Соҳибқирон бобомизнинг маданий-маърифий меросини ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хар биримиз улғу аждодларимиз каби Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида яшашимиз керак.

Тадбир давомида ёшлар Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, хурмат кўрсатишди. Темурийлар тарихи Давлат музейидаги экспонатлар билан яқиндан танишиб, тарихимиз ҳақидаги билимларини янада оширишди.

Ўз мухбиримиз.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ

фаолиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида парламентнинг таъсир кучини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни янги ва янада юқори босқичга кўтариш, парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бош Қомусимизга киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, мамлакатимизда парламент назорати институтига конституциявий мақом берилди.

► Давоми 2-бетда.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

МУСИҚА ВА САНЪАТ

фарзандларимиз камолотида беқияс ўрин тутати



«Муסיқа эшитадиган, муסיқа билан шуғулланадиган одам ёмонлиқдан албатта узоқ бўлади. Шунинг учун ҳам биз болалар спорти объектларини қуриш билан бирга, болалар муסיқа ва санъат мактабларини барпо этиш масаласига ҳам устувор ва-зифа сифатида алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз».

► Давоми 4-бетда.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

SOHIBQIRON.UZ САЙТИ

ишга туширилди

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали дастурчилар гуруҳи томонидан яратилган sohibqiron.uz сайтининг тақдими ўтказилди.

Унда тарихчи олимлар, вилоятдаги олийгоҳлар профессор-ўқитувчи ва талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Зафар Рўзиев сўзга чиқиб, Амир Темур шахси, унинг давлат раҳбари, саркарда сифатидаги фаолияти, бунёдкорлик ишлари, илм-фан ривожидидаги хизматлари ҳақида фикр юритди. Яратилган янги сайтда Соҳибқирон ҳаётига оид муфассал маълумотлар жойлаштирилгани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Sohibqiron.uz сайтида маълумотлар ўзбек, инглиз, рус тилларида жойлаштирилган бўлиб, у ўн беш бўлимдан иборат. Хусусан, унда Амир Темур ҳаёти, у ҳақидаги ривоятлар алоҳида-алоҳида тартибланган. Шунингдек, сайтдан фото, видеолар ҳам ўрин олган.

ЧЕГАРАЧИЛАРГА

янги уйлар

Музаббат туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун икки қаватли учта янги уй фойдаланишга топширилди.

Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида хабар берилишича, шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, «Еш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик клуби аъзолари иштирок этган.

Қурувчилар томонидан тез фурсатда сифатли бунёд этилган ҳарбийлар шаҳарчасида чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Ошхона ва бошқа қўшимча хоналар замонавий усулда жиҳозланган. Шаҳарча ҳудудида мева ва манзарали дарахтлар экилиб, гулзор барпо этилган. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун замонавий болалар майдончаси қурилган.

БОЛАЛАР ОРОМҒОҲЛАРИ

мавсумга тайёрланмоқда

Болалар оромгоҳларини янги мавсумга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, ёзги соғломлаштиришни намунали ўтказиш, болаларнинг таътилда мароқли ҳамда кўнгилли дам олишларини ташкил этиш мақсадида Сирдарё вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди.

Вилоятда бу йил 4800 нафар бола соғломлаштирилиши ва дам олиши белгиланган. Ушбу мавсум 5 июндан бошланади. Шу мақсадда болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш комиссияси таркиби, болаларнинг стационар ва кундузги оромгоҳларини жойлаштириш ва уларни дам олдириш режаси тасдиқланди.

Барча оромгоҳларда кўча кутубхоналар фаолият кўрсатади. Улар бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланади. Шунингдек, 1 майга қадар оромгоҳларга спорт жиҳозлари етказиб берилади. Оромгоҳлар июнь ойининг бошига қадар болаларни қабул қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилади.

ЎзХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ЎзХДП ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 400 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРО ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИДА МУРОЖААТ ҚИЛГАН.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРЛАН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛАНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

2015 ЙИЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 350 ГА ЯҚИН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

■ «Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш муҳим вазифадир».

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ

фаолиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди

Президентимиз 2015 йил 23 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдиде турган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтган эди. Хусусан, янги конституциявий шaroитда парламент аъзолари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бoриш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтарилишига эришиш парламентнинг кундалик иши бўлиши зарурлиги ўқтирилган эди.

Шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти ривожланишига, улар ўртасида рақобат кучайишига ҳуқуқий шароит яратилди, юртимизда парламент демократиясини қарор топтириш бўйича янги саҳифа очилди. Парламент фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракцияларининг роли тубдан кучайди. Фракцияларнинг қонун ижодкорлигига ёндашуви ўзгарди.

Ана шундай шароитда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ўз фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга эътибор қаратмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёнида самарали иштирок этиш, электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган тақлифлар бeриш, партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалалар бўйича изчил парламент назоратини олиб бoриш фракция фаолиятида устуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида фракциянинг жорий йил биринчи чоракдаги фаолияти ақунлари ҳақидаги масала кўриб чиқилди.
Фракция аъзоси Рустам Комилонинг қайд этишича, ҳисобот даврида фракция фаолиятини кучайтириш бўйича янги тажрибалар амалиётга татбиқ этилди.

Давомий. Бошланиши 1-бетда.



Сенатор ШОТЎЛЛАГАНОВ оғлан сўраб.

Хусусан, парламентда кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари, фаоллар ва электорат вакиллари, тегишли соҳа вакиллари, мутахассислар иштирокида кенг муҳокамадан ўтказилди. Шу тариқа тақлифлар олиш тизими самарадорлиги янада ошди. Мисол учун, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси юзасидан фракция позициясини шакллантиришда бу амалиёт ўз натижасини кўрсатди.

Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ушбу қонун лойиҳасидаги ўзгаришлар, юридик техник тузатишлар атрофлича муҳокама қилинди. Унда фракциянинг муҳолифат сифатидаги позициясини шакллантириш бўйича тақлифлар билдирилди. Демократик кучлар блоқи томонидан тақлиф этилаётган қоидалар чўқур муҳокама қилинди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза

қилиш масалалари бўйича қатор фикр-мулоҳазалар тақдим этилди. Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳаси бўйича фракциямиз ўзининг қатъий позициясига турди.

Бундан ташқари, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ҳам ЎзХДП фракцияси фаол иштирок этди. Партия дастурий мақсадларига мувофиқ тарзда ўз нуктаи назарини баён қилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси мажлисларида партия экспертлари, олим ва мутахассисларни кенг жалб этиш амалиёти изчил йўлга қўйилди. Бу қонун лойиҳаларини партиямиз дастурий мақсадлари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб ҳар томонлама чўқур таҳлил этиш, ҳилма-хил фикр ва тақлифлар олиш имконини бeрапти.

Фракция аъзоси Комила Каромовнинг фикрича, ўтган давр мобайнида фракция аъзолари сайлов округларидаги фаолиятини самарали ташкил этиш

масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Жорий йилнинг 22-31 март кунлари Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларида иш юритди. ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам сайловчилар билан кўплаб учрашувлар ўтказиб қайтди. Учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси жойларга чиқиб ўрнатилди.

Ҳисобот даврида Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди.

Фракция аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, бир қатор қонун лойиҳалари иш-

лаб чиқилишида фаол иштирок этди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси, «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашишди.

Йиғилишда фракция фаолияти таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятида фракция иштирокини янада кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор тақлифлар ўртага ташланди. Таъкидландики, фракциянинг назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳолифат фракцияларнинг муқобил қонун лойиҳалари таҳририни киритиш воқолатидан амалда самарали фойдаланиш, партиянинг дастурий вазифалари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ечимини қутаётган долзарб масалаларга масъул қўмиталар эътиборини қўйишнинг йўналишлари ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Фракция аъзоларининг ташаббускорлигини кучайтириш, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини такомиллаштириш давр талаби экани таъкидланди. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли вазифалар белгиланди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

*Ўзбекистон ХДП
Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар кенгашлари
қошида 15 Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Уларга бир йил мобайнида фуқаролар, электорат вакилларида 350 га яқин мурожаат тушди.*

Мурожаатлар

ижобий ечим топомқда

Жамоатчилик қабулхоналари ҳудудлардаги муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишда муҳим восита ҳисобланади. Бу жараёнда партия кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ижтимоий ҳамкор ташкилотларнинг бирга ишлаши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тўртқўл тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ўтган йили фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарият қисми ижобий ечим топган. Улар асосан ишга жойлаштириш, кредит олиш, моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш масалаларида оид бўлган.

— Ҳамшираликка ўқиганман, — дейди **Фотима Холбоева**. — Иш қилириб, Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилгандим. Партия фаоллари

Коллеж битирувчилари билан тузилган шартномалар иш бeрувчи томонидан ўз вақтида бажарилиши бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Тўртқўл туман тиббиёт бирлашмаси ўтган йили 20 нафар коллеж битирувчиси билан тузилган шартномага амалга оширишга эришди.

ҳамда депутатлар қўмағида тумандаги «Баҳор» қишлоқ врачлик пунктига ишга жойлашди. Оиламдагилар жуда хурсанд бўлишди.

— Касб-ҳунар коллежи битирувчилари асосан ишга жойлаштириш масаласида мурожаат қилишди, — дейди халқ депутатлари Тўртқўл туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси **Пўлат Худайбергенов**. — Биз уларга қўлимиздан келганча ёрдам бeришга ҳаракат қиламиз. Масалан, яқинда Умида Матчановага туманимиздаги қишлоқ врачлик пунктига ҳамшира бўлиб ишга жойлаштиришга ёрдам бердик. Фаолиятимиз давомида ўз ишини бошлаш истигаида бўлган ўғил-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Коллеж битирувчилари билан тузилган шартномалар иш бeрувчи томонидан ўз вақтида бажарилиши бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Тўртқўл туман тиббиёт бирлашмаси ўтган йили 20 нафар коллеж битирувчиси билан тузилган шартномага амалга оширишга эришди. Албатта, бунда ташаббускор депутатларнинг хизмати катта бўлди.

Жамоатчилик қабулхонаси электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг тажрибадан ўтган самарали воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мурожаатни таҳлилий ўрганиб, унда қўтарилган масалани ҳал қилиш чораларини кўриш талаб этилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан юзма-юз учрашувлари ҳар томонлама самарали бўлди. Бу галги мулоқотлар жараёнида депутатлар томонидан турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилди.

Депутат ёшлар билан учрашди

49-Янгиқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Абдуғаффор Қирғизбоев** Янгиқўрғон туманидаги Болалар мусика ва санъат мактабига ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан бирга, нуроний отахону онахонлар ҳам қатнашди.

Депутат мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, дунёнинг айрим давлатларида кузатилаётган ижтимоий-сиёсий беқарорликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ёшларга атрофлича тушунча берди.

Меҳнат фахрийси Мирзаакбар Аҳмаджонов, туман бош имом-хатиби Рустамжон Отамонов, Исковот озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи ёшлар етакчиси Иномжон Ғаниев, Янгиқўрғон алоқа ва компьютер технологиялари коллежи «Камолот» ЕИХ етакчиси Абдусамат Топшўлатов тинчликни асраб-авайлаш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бугунги тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар ёшлар, ўқувчиларимизга ҳар томонлама манзур бўлди, — дейди ўқитувчи Аҳмаджон Холматов. — Депутатимиз келтирган ҳаётий далил ва рақамлар ҳаммамизда катта қизиқиш уйғотди.

Депутат ташаббуси билан Чортоқ ва Уйчи туманларидаги касб-ҳунар коллежларида ҳам ёшлар билан учрашувлар ўтказилди.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯ ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

БЎЗ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди

Маълумки, қишлоқ жойларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши янги иш ўринлари ташкил этилиши, ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳлари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Бўз туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича олиб бoрилаётган ишларни ўрганди. На-тижалар ва таҳлиллار умумлаштирилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди.

Депутатларимиз маълум қилишича, жорий йилнинг биринчи чорағида туманда 30 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури билан боғлиқ қарориде бу ҳақда тегишли вазифалар белгиланган, янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган. ЎзХДП гуруҳи дастурда белгиланган лойиҳалар бажарилиши, иш жойларининг ўз вақтида ташкил этилиши юзасидан депутатлик назоратини ўрнатган.

Сессияда унинг натижалари атрофлича муҳокама қилинган. Сессияда таъкидланганидек, қишлоқ жойларда оливайи тад-

биркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш бошлаш ниятида юрган юртдошларимиз кўпчилигини ташкил қилади. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш, керак пайтда йўл-йўриқ кўрсатиш зарур. Жорий йилда ҳар туманда бир гуруҳ ишбилармон кишилар ўз бизнесини бошлашга муваффақ бўлган.

Масалан, Зафарбек Каримов аҳолига компьютер хизматлари кўрсатишга мўлжалланган қўйма-ти 200 миллион сўм бўлган лойиҳани амалга оширди. Зарифжон Султонов ҳамда Зухриддин Шамсидинов ҳамкорлигида су-ратхона ташкил этилган.

Ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари очмоқчи бўлган 6 нафар фуқарога туман ҳокимлигининг тегишли қарори билан ер ажратилган.

— Бу кўрсаткичлар қувонарли, албатта, — дейди **ЎзХДП Бўз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари**

Матлуба Тўйчиева. — Аммо ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар оз эмас. Масалан, туманимиздаги айрим хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятида қўнимсизлик кузатишмоқда. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти тўхтаб қолиши иш ўринлари барқарорлигига салбий таъсир қилади. Демак, мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш, талабчанлигини ошириш, тадбиркорлар эркин ишлашига шароит яратиш бeриш тақозо этилади.

Шуларни ҳисобга олиб, халқ депутатлари Бўз туман Кенгашидаги Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорлигини ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари билан ҳамкорликда депутатлик назорати ўрнатилди. Ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши ҳамда ўз ишини ривожлантириши учун қўшимча имкониятлар яратиш ҳақидаги қарор ижроси назоратга олинди.

ЎзХДП гуруҳи аъзоларининг фикрича, бандлик масаласини бир марта ўрганиш ёки таҳлил этиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун доимий ҳаракат ва ташаббус-

корлик талаб қилинади. Ҳар бир депутат ўз сайлов округи ҳудудида қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиши, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўйиши зарур.

Сессияда туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, эришилаётган ютуқлар, шу билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Мутасадди шахсларнинг тегишли ахборотлари тингланиб, депутатлар томонидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг сессия қарор қабул қилди.

Унга кўра, тумандаги «Ягона дарча» марказига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш бошламоқчи бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, мутасаддиларга эса ер ажратиш ҳақидаги мурожаатларни чўқур ўрганиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, бандликка қўмаклашиш марказига соҳада ташкил этилаётган иш ўринлари мониторингини юритиш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоратадбирларини кучайтириш тавсия этилди.

Зиёла УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН
МАТБУОТИ
САҲИФАЛАРИДАЯПОН ТИЛИНИ
ЎРГАНУВЧИ-
ЛАРГА

китоблар топширилди

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг парламентдаги ўринбосари Мики Ямада ўзининг 6-7 апрель кунлари мамлакатимизга ташрифи доирасида нуфузли таълим муассасаларига япон тилини ўргатиш бўйича китоблар ва ўқув материалларини топширди.

Мики Ямада Ўзбекистон — Япония маркази, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига «Акиэ бунко» кутубхонасини ҳамда «Toshiba» халқаро фондининг япон тилидаги ўқув қўлланмаларини, дарсликлар ва ишланмаларни тақдим этди, дея хабар берилди ЎзДЖТУнинг фейсбукдаги саҳифасида.

Таъкиллаш керакки, Япония тарихи, маданияти ва тили ҳақидаги бой маълумотларни қамраб олган ушбу жамланмалар Япония Бош вазирининг рафиқаси Акиэ Абе томонидан юборилган.

Тошкент — Нью-
Йорк йўналиши
бўйичақўшимча қатнов йўлга
қўйилди

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 2016 йилнинг 31 мартдан бошлаб Тошкент — Рица — Нью-Йорк йўналиши бўйича қўшимча қатновни йўлга қўйди.

Авиакомпания расмий сайтининг хабар беришича, бериш қалар пойтахтимиздан Нью-Йоркка фақат яқинда кунлари парвоз қилиш мумкин эди. Эндилликда ҳафтанинг пайшанба кунини ҳам АҚШга учиб имкони пайдо бўлди.

Нефтни қайта
ишлашборасида янги усул
ихтиро қилинди

Тошкент кимё технология илмий-таъқиқот институти олимлари арзон депрессор қўшимчалар олиш усулини ихтиро қилди.

Мазкур ихтиро нефтни қайта ишлаш саноатида фойдаланишга мўлжалланган, дейилади Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати берган хабарда.

Муаллифлар жамоасига ушбу ихтиро учун патент берилди.

■ Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг буюк, энг машҳур, энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантирди.

АМИР ТЕМУР — БУЮК
БУНЁДКОР

АҚШнинг oхuscom.com сайтида Марк Диккенснинг мақоласи эълон қилинди.

Ўзбекистон азал-азалдан дунёни забт этган соҳибқиронлар ватани бўлган. Уларнинг энг буюғи XIV асрда бутун Европа ва Осиёда ўз қудратини намоён қилган Амир Темурдир.


У болалик пайтиданоқ буюк мақсадлар билан яшайди. Ватани озод бўлишини орзу қилади. Амир Темурнинг бу улкан нияти ушладди. Деҳлидан то Онданулига бўлган ҳудудда темирйилар салтанатига асос солинди.

Ушанда минтақада мўғуллар ҳукмронлиги давом этаётган эди. Мамлакат бўлакларга бўлиниб кетганди. Мана шундай таҳликали бир вазиятда Амир Темур ўз армиясини тузишга, атрофига ишончли одамлар йиғишга ҳаракат қилди. Соҳибқирон Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланди. Мамлакатнинг пойтахти этиб Самарқандни танлади.

Амир Темур авлодлари маълум вақт ўтиб Самарқанд ва Ҳиротда буюк уйғониш даврига асос солиди.

Соҳибқироннинг икки ўғли — Жаҳонгир Мирзо ва Умар Шайх у ҳаётлик давридаёқ оламдан ўтди. Учинчи ўғил бўлмиш Мироншоҳ 1408 йилда вафот этди. Аслида Амир Темур набираси Пирмуҳаммадни тахт вориси этиб тайинлаган эди. Бироқ у бобосидан кейин кўп вақт ўтмай оламдан ўтди. Шундан сўнг салтанатни қўлга олган Шохрух Ҳиротни ўз пойтахтига айлантирди. Унинг ўғли Улугбек Самарқанд ҳокими бўлди, кейинги ўғли Бойсунғур пойтахтда вазир лавозимини эгаллади.

Улар Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишларини давом эттирдилар, илм-фан ва санъат ривожига катта ҳисса қўшдилар. Темурйилар дав-



рида мусиқа, ҳаттоғлик, тасвирий санъат, адабиёт ҳамда бир қатор фанлар равнақ топди. Мирзо Улугбек Самарқандда ўзининг расалхонасини барпо этди ва юлдузлар ҳаракатини кузатди, уларни доимий равишда ёзиб борди ва дунёнинг энг буюк астрономлари қаторидан ўрин олди. Унинг илмий ҳусласаридан Европа олимлари асрлар давомида фойдаланиб келди.

1452 йилда темурий шаҳзодалардан яна бири Абусаид Мовароуннахр, Афғонистон ва Эроннинг шимолий қисмини ўзига бўйсундириди. У билан бир пайтда Хусайн Бойқаро ҳам Хуросонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Айнан унинг бошқарувида Ҳирот санъат, адабиёт ва фан марказига айланди. У дўсти, буюк шоир Алишер Навоийни, Абдурахмон Жомий ва мусавир Камолиддин Беҳзодни доимий равишда қўллаб-қувватлаган.

Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган Самарқанд Зарафшон дарёсининг бўйида жойлашган. Жон Милтон, Жон Китс, Оскар Уайльд каби жаҳон шоирла-

ри ушбу шаҳар шаънига шеърлар битган.

Самарқанд шаҳри Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашгани учун ҳам равнақ топган. Амир Темур ўз ҳокимиятини ўрнатгунга қалар Самарқанд қўллаб урушларга гувоҳ бўлди, талафотлар кўрди. Айнан Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг буюк, энг машҳур, энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантирди. Шаҳарнинг олдинги жойлашган ўрни Афросиёб деб аталган ва у мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Шу сабабли ҳам Амир Темур шаҳарни жануброққа кўчиришга қарор қилди. Соҳибқироннинг бошқаруви остида Самарқанд гуллаб-яшнади. Унинг бозорлари турлутуман, дунёнинг бошқа мамлакатларида топилмайдиган моллар билан тўлиб-тошди.

Бир пайтнинг ўзида Самарқанд буюк меъморчилик обидалари масканига, халқ ҳунармандчилиги ва илм-фан равнақ топган, олимлар қадрланадиган шаҳарга айланди. Гарчи Амир Темурнинг ўғли

Шохрух пойтахтни Ҳиротга кўчирган бўлса ҳам, Самарқанд Мирзо Улугбек бошқаруви остида ривожланишда давом этди.

Шоҳи Зинда мажмуасининг ҳаттоғлик санъати ила безатилган пештоқини томоша қилар экансиз, Амир Темурнинг нафақат улуг саркарла, балки буюк бунёдкор билан Машҳадда ажойиб масжид ҳамда Ҳиротда масжид-мадраса қурилган.

Амир Темур даврида Самарқандда қурилган бинолар ичида Амир Темур мақбараси (Гўри Амир), Биби-хоним мақбараси алоҳида ўрин тутди. Амир Темурнинг вафотидан кейин қурилган меъморий обидалар ҳақида гап кетганда, Улугбек расалхонаси ва мадрасасини таъкиллаш жоиз.

Буюк меъмор бўлган Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан қурилган иншоотлар бугунги кунда ҳам Самарқандда бутун дунёдан сайёҳларни чорламоқда.

Амир Темурнинг энг катта бунёдкорлик ишлари Самарқандда намоён бўлган. Соҳибқирон Самарқандда қўллаб боғлар барпо этди. Буларнинг аксарияти бизгача сақланиб қолмаган.

Темурий ҳукмдорлар даврига оид бўлган бинолар жуда кўп. Бир қизиқ факт, темурий маликалар ҳам бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари билан жиддий шуғулланган. Масалан, Шохрухнинг умр йўлдоши Гавҳаршодбегим ташаббуси билан Машҳадда ажойиб масжид ҳамда Ҳиротда масжид-мадраса қурилган.

Амир Темур даврида Самарқандда қурилган бинолар ичида Амир Темур мақбараси (Гўри Амир), Биби-хоним мақбараси алоҳида ўрин тутди. Амир Темурнинг вафотидан кейин қурилган меъморий обидалар ҳақида гап кетганда, Улугбек расалхонаси ва мадрасасини таъкиллаш жоиз.

Буюк меъмор бўлган Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан қурилган иншоотлар бугунги кунда ҳам Самарқандда бутун дунёдан сайёҳларни чорламоқда.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Темур АБЗАМ тайёрлади.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁПОКИСТОНДАГИ
ТОШҚИН ВА
КЎЧКИЛАРоқибатида 92 киши
қурбон бўлди

Кучли ёмғирлар келтириб чиқарган ва Покистон шимоли-ғарбидаги Хайбар-Пахтунхва вилоятига бир неча кун аввал ёпирилган тошқин оқибатида камидан 92 киши қурбон бўлди, 77 киши жабрланди. Бу ҳақда ТАСС хабар бермоқда.

Табиий офат туфайли 929 уй ҳамда бир неча кўприк кулаб тушган. Ийрик шаҳарларни боғлаб турган айрим автомобиль йўллари кўчки туфайли ёпилиб қолди.

Ҳукумат ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамда жабрланганларга ёрдам бермоқда.

НИГЕРИЯЛИК
МУҲОЖИР ҚИЗбир йўла 8 олий ўқув
юртига ўқишга қабул
қилинди

Аугуста Уаманзу-Нна бир пайтнинг ўзида АҚШдаги саккиз университетга ўқишга қабул қилинди. Бу ҳақда New York Magazine хабар беради.

17 ёшли Аугуста нигериялик муҳожирнинг қизидир. Мактабни тамомлагандан сўнг Аугуста бир неча олийгоҳга ҳужжат топширди. Унга Браун, Колумбия, Корнелл ва Пенсильвания университетларидан ижобий жавоб келди. Шунингдек, Принстон, Йель, Гарвард ва Дартмут ўқув юртлири ҳам уни ўқишга таклиф қилди.

Аугуста қайси ўқув муассасасини танлаш ҳақида ҳозирча қарор қабул қилгани йўқ. Унинг сўзларига қараганда, ота-онаси унга доим мактабда тиришқоқлик билан ўқишни маслаҳат берган ва Аугуста уларнинг фикрига қулоқ тутган. У ўрта мактабда ўқиб юрган чоғидаёқ Intel Science Talent Search истеъдодлар танлови ғолиби бўлган.

ШЕКСПИР
ПЬЕСАЛАРИНИНГ
БИРИНЧИ ТЎПЛАМИ
ШОТЛАНДИЯДАГИ
ҚАСРДАН ТОПИЛДИ

Бют оролидаги Шотландиянинг ўрта асрларга тегишли қасрида Оксфорд университети мутахассислари инглиз драматурги Уильям Шекспирнинг биринчи пьесалар тўплами намунасини топишди. Бу ҳақда Herald Scotland нашри хабар қилди.

Шекспирнинг ўлиmidан 7 йил ўтиб (1623 йил) нашр қилинган тўпламда 36 пьеса бўлиб, уларнинг орасида «Макбет», «Ун иккинчи кеча», «Юлий Цезарь», «Бу сизга ёқармикан» ва «Бўрон» каби асарлари бор.

Уч томли китобнинг биринчи саҳифасида мусаввир Мартина Друшауауа яратган Шекспирнинг портрети берилган.

Тўпламнинг замонавий нусхаси шу йил апрелнинг охирида драматург вафотининг 400 йиллиги арафасида кенг оммага тақдим этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига 2015 йилда келиб тушган
ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

№	Кўрсаткичлар	Режанинг бажарилиши (миль сўм)
I	Даромадлар, жами	13 751 289,0
	шу жумладан:	
	давлат бюджети маблағлари	8 110 426,0
	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ажратилган давлат маблағлари	265 885,3
	бюджетдан ташқари маблағлар	5 374 977,7
	шу жумладан:	
	кириш ва аъзолик бадаллари	3 423 954,8
	тадбиркорлик фаолияти даромадлари	1 820 615,6
	ҳомийлик, хайрия тушумлари	2 500,0
	бошқа тушумлар	127 907,3
II	Харажатлар, жами	13 421 624,8
	шу жумладан:	
	ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар	11 108 387,7
	Партия аъзоларининг ОАВда чиқишини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатлари	2 976,8
	Партия матбуот органларига ёрдам кўрсатиш	14 246,4
	Кўргазмали тарғибот материаллари нашр этиш харажатлари	171 268,7
	Партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш, ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш харажатлари	6 396,1
	Партия пленуми, йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш харажатлари	237 791,3
	Партия мол-мулкни сақлаш, фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	327 858,1
	Бошқа турли харажатлар	1 286 814,4
	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун харажатлар	265 885,3
III	Даромадларнинг харажатлардан ортиқлиги	329 664,2

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг
2016 йилги партия бюджети

РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар	Режа (миль сўм)
I	Тушумлар, жами:	14 939 922,4
	шу жумладан:	
	давлат бюджети маблағлари	9 981 571,0
	бюджетдан ташқари маблағлар	4 958 351,4
	шу жумладан:	
	кириш ва аъзолик бадаллари	3 538 000,0
	тадбиркорлик фаолияти даромадлари	1 332 351,4
	Мол-мулкни сотишдан олинандиган даромадлари	88 000,0
II	Харажатлар, жами	14 893 698,5
	шу жумладан:	
	ижро этувчи аппарат ходимлари учун жорий харажатлар	12 639 247,6
	партия фаолларини ўқитиш, семинарлар ва тренинглар ўтказиш харажатлари	20 004,0
	партия пленумлари, давра суҳбатлари ва йиғилишларини ўтказиш харажатлари	490 124,1
	кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатиш харажатлари	234 449,5
	партия мол-мулкни сақлаш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал ва эксплуатация харажатлари	496 148,1
	бошқа турли харажатлар	1 013 725,2
III	Даромадларнинг харажатлардан ортиқлиги	46 223,9

«Электрон
хукумат»гаTelegram орқали
мурожаат қилиш
имкони яратилди

«Электрон ҳукумат» маркази Telegram дастури орқали иккита — тадбиркорлар учун egov business ва аҳоли учун egov News каналли ишга туширди. Бу ҳақда «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази расмий сайти хабар бермоқда.

Ушбу каналлар ёрдамида тизимнинг лойиҳалари ва дастурлари, бизнес субъектлари ва аҳоли учун ҳукумат томонидан тақдим этиладиган янги онлайн хизматлар ҳақидаги тезкор янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин.

Бахт
кошонаси

Поп туманида ФХД бўлими ва давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда Наманган вилояти адлия бошқармаси расмий сайти хабар бермоқда.

Янги бионинг очилиш маросимида мустақил ҳаёт оstonасига илк қадам қўйётган келин-куёвларнинг никоҳлари тантанали равишда қайд қилиниб, уларга вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Марғилондаги
шифохонагақуёш батареяси
ўрнатилди

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди томонидан 28 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланиб, Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохонанинг реанимация бўлимига қуёш батареяси ва сув иситиш корректори ўрнатилди.

«Фаргона ҳақиқати» газетаси сайтининг хабар беришича, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган қуёш батареяларидан нафақат аҳоли хонадонларида, балки қишлоқ врачлик пунктлари, таълим муассасалари, санат корхоналарида ҳам фойдаланилмоқда.

БАРКАМОЛ
АВЛОД ОРЗУСИ

МУСИҚА ВА САНЪАТ

фарзандларимиз камолотида беқиёс ўрин тутади

Президентимиз Ислам Каримов раислигида ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда санъат тарбияси, музика тарбия ҳам беқиёс аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисидаги қарор доирасида ўтган йиллар мобайнида эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

278 болалар музика ва санъат мактабларининг 136 таси янгидан қурилиб, 142 таси капитал реконструкция қилинди. Ушбу мақсадларга 487 миллиард 400 миллион сўм, уларни жиҳозлаш учун 137 миллиард сўм сарфланди.

30 мингдан ортиқ янги музика асбоблари, 53 номдаги 61 минг ўқув қўлланма ва 40 мингга яқин ноталар тўплами, жаҳон ва миллий композиторларнинг асарлари акс эттирилган мингдан ортиқ электрон тўплам, 500 дан ортиқ кўргазмали материаллар билан таъминланди. Яратилган замонавий шарт-шароитлар натижасида болалар музика ва санъат мактабларида ўқувчилар камрови 1,5 баробарга ортди.

2008 йилда болалар музика

ва санъат мактабларида таълим олган ўқувчилар сони республика бўйича 38 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 59 минг нафарга етди. Бугунги кунда болалар музика ва санъат мактабларида 13 йўналишда, 53 ихтисослик бўйича ўқувчиларга музика ва санъат сирлари ўргатилмоқда.

Музика ва санъат таълимининг назарий асосларини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мавжуд 72 номдаги ўқув дастурлари соҳанинг малакали мутахассислари томонидан хорижий тажриба, илғор ўқув-услубий ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган «Санъат гунчалари», «Наврўз садолари», «Камалак юлдузлари» сингари ижодий фестивал ва кўрик-танловлар истеъдодли ўқувчилар сафининг ортишига имкон яратмоқда. Республика болалар ижодиёти фестивалининг мактаб босқичларида иштирок этаётган болалар сони йилдан-йилга кўпайиб, истеъдодли ёшларимиз

■ «Музика эшитадиган, музика билан
шуғулланадиган одам ёмонликдан узоқ бўлади».

Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида ўтказиб келинаётган турли нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, уларнинг 76 нафари Гран-при ва биринчи ўринга сазовор бўлди.

2014 йилдан бошлаб «Ўзбекинаво» эстрада бирлашмаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча болалар музика ва санъат мактабларининг ҳар бирига

санъаткорлар бириктирилиб, улар томонидан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ташкил этилиши ҳам болаларимизнинг санъат оламига кириб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги

Қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришга ишонамиз.

Ушбу Давлатга мувофиқ, 2016-2020 йиллар мобайнида яна 14700 ўринли, 98 болалар музика ва санъат мактаби барпо этилади, уларнинг 40 таси янгидан қурилиб, 58 таси капитал реконструкция қилинади ҳамда замонавий ўқув жиҳозлари, музика асбоблари, компьютер ва бошқа техникалар билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбарининг маъмур қарори билан тўлов тизими ҳам такомиллаштирилиб, ота-оналарга катта қулайлик яратилди. Эндиликда Тошкент шаҳрида музика йўналишида бир нафар ўқувчи учун тўлов энг кам иш ҳақининг 75 фоизи (санъат йўналишида 50 фоиз), вилоят марказларида 50 фоиз (санъат йўналишида 30 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктларида 30 фоиз (санъат йўналишида 20 фоиз) қилиб белгиланди.

Агар бир оиладан 2 ёки undan ортиқ бола шу соҳа бўйича таълим олса, уларнинг ҳар бирига белгиланган бадал тўловининг 70 фоизи миқдоридан ҳақ тўланади. Халқаро ва Республика танловли голиблари бир йил муддатга тўловдан озод этилади. Бу эса ижтимоий ҳиммага муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларининг таълим олиши учун кенг имконият яратди.

Қосимжон АТАМИРЗАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
бошқарма бошлиғи.
Аҳмад БАҲРИЕВ,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси доценти.

РЕКЛАМА

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2016 йил 12 май куни очик аукцион савдоларини ўтказад

Савдоларга Тошкент шаҳар, Қоратощ кўчаси, 5-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фелдъегерлик хизматининг 2009 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/524 СЕА, бошланғич нархи 7758590,35 сўм, д/р 01/523 СЕА, бошланғич нархи 7813170,29 сўм, д/р 01/522 СЕА, бошланғич нархи 7967331,06 сўм, д/р 01/225 САА, бошланғич нархи 7967331,06 сўм бўлган «Дамас» ва 2004 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/068 КАА, бошланғич нархи 7171197,53 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун закатат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдоридан закатат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ-Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Маъмур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб

бериш шартлари юклатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закатат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганиликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт тақдим этади.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисидаги қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган кундаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 18-ўй. Алоқа телефони (+99895) 143-69-97 электрон почта tkos@mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра «Чинобод нефть база» УҚСи автоҳўжалигига қарашли 2007 й.и/ч, д/р 01/733 ЖБА бўлган «Шевроле Нива 21230» — 10 900 000 сўмга, 2008 й.и/ч, д/р 01/622 ЖБА бўлган «Шевроле Нива 21230 LC» — 11 400 000 сўмга, д/р 01/793 САА бўлган «Шевроле Нива 21230» — 11 100 000 сўмга, д/р 01/792 САА бўлган «Шевроле Нива 21230» — 10 800 000 сўмга ҳамда 2003 й.и/ч, д/р 01/599 ЖБА бўлган «Ласетти» — 12 900 000 сўмга; «O'zmaxsussuvqurilish ixtisoslashgan kompaniyasi» давлат корхонасига қарашли 1994 й.и/ч, д/р 85/491 ГАА бўлган «ГАЗ-31029» — 900 000 сўмга, 1997 й.и/ч, д/р 01/465 СБА бўлган «Нексия» — 5 550 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005414-05

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2016 йил 16 январь 7-8-сонида чоп этилган эълондаги Марказий авария-диспетчерлик хизмати корхонаси балансидаги д/р 01/741 HDA бўлган «ЗИЛ-431412»; д/р 01/742 HDA бўлган «ЗИЛ-431412K0713»; д/р 01/745 HDA бўлган «ЗИЛ-130»; д/р 01/816 HDA бўлган «ГАЗ-5201» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2016 йил 4 апрель, 103-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihdiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad
RAHIMOV
Tat'yana
KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNOZAROV



1 2 3 4 5